



WORKS AND THEIR SEPARATE FEATURES OF THE SĪRAH DIRECTIONS ON THE EARLY ISLĀMIC HISTORY

Ummataliev Sahibjan Khikmatali ugli

International Islamic Academy of Uzbekistan

"Islamic studies and Islamic civilization

teacher of the department of learning ICESCO

E-mail: sohibjonummataliyev91@mail.com

tel: +998974455562

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14059217>

ARTICLE INFO

Received: 03rd November 2024

Accepted: 08th November 2024

Online: 09th November 2024

KEYWORDS

Abbāsiyya, Baghdad, Hārūn al-Rashīd, Ma'mūn, History of Islām, Maghāzī, sīrah, Muḥammad ibn 'Ishāq, 'Abd al-Malik ibn Hishām, Shams ad-Dīn adh-Dhahabī, Abū 'Ishāq al-Fizori.

ABSTRACT

The article deals with the scientific and cultural environment of the Arab Caliphate in the early Middle Ages and the history of its important branches. The 'Abbāsiyya dynasty that ruled during this period paid special attention to the scientific environment. During this time many important works were written in the field of history and literature. This article gives you a brief overview on the features, style and current state of the art. After the work of the poet, the direction of the sīrah is discussed. It provides information on early medieval historians and their works.

ПРОИЗВЕДЕНИЯ, НАПИСАННЫЕ В НАПРАВЛЕНИИ СИРЕНЬ В РАННЕМ СРЕДНЕВЕКОВЬЕ И ИХ ОСОБЕННОСТИ

Умматалиев Сахибжан сын Хикматали

Международная исламская академия Узбекистана

«Исламоведение и исламская цивилизация

преподаватель кафедры обучения ICESCO

E-mail: sohibjonummataliyev91@mail.com

тел: +998974455562

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14059217>

ARTICLE INFO

Received: 03rd November 2024

Accepted: 08th November 2024

Online: 09th November 2024

KEYWORDS

Абассиды, Багдад, Харун ар-Рашид, Маъмун, Исламская история, магазин, сираск, Мухаммад ибн Исхак, Абдулмалик ибн Хишам, Шамсиддин Захабий, Абу Исхак ал-Физарий.

ABSTRACT

В этой статье идёт речь о научной и культурной среде и исторической науке, которое было важнейшее сеть в раннее средневековье арабского халифата. Аббасидская династия, которая судила в этом периоде, обратила особое внимание на научную среду. То же время в исторической науке было описано много сочинений в магазинском и сираском направлении. В частности, было принесено историков и их произведения на сираском направлении, которые произвели творчество в раннее средневековье.



ИЛК ЎРТА АСРЛАРДА ЁЗИЛГАН СИЙРА ЙЎНАЛИШИДА АСАРЛАР ВА УЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Умматалиев Соҳибжон Хикматали ўғли

Ўзбекистон халқаро ислом академияси

“Исломшунослик ва ислом цивилизациясини

ўрганиш ICESCO” кафедраси ўқитувчиси

E-mail: sohibjonummataliyev91@mail.com

тел: +998974455562

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14059217>

ARTICLE INFO

Received: 03rd November 2024

Accepted: 08th November 2024

Online: 09th November 2024

KEYWORDS

Аббосийлар, Бағдод, Хорун ар-Рашид, Маъмун, Ислом тарихи, мағозий, сийра, Муҳаммад ибн Исҳоқ, Абдулмалик ибн Ҳишом, Шамсиддин Заҳабий, Абу Исҳоқ ал-Физорий.

ABSTRACT

Мақолада илк ўрта асрларда араб халифалигидаги илмий-маданий муҳит ва унинг муҳим тармоқларидан бўлган тарих илми хусусида сўз боради. Мазкур даврда ҳукм юритган Аббосийлар сулоласи илмий муҳит учун алоҳида эътибор қаратди. Бу даврда тарих илмида мағозий ва сийра йўналишларида кўплаб асарлар ёзилди. Хусусан, сийра йўналишида илк ўрта асрларда ижод қилган тарихчилар ва уларнинг асарлари тўғрисида малумотлар келтирилди.

Халқимизнинг қадим маданияти ва маънавияти тараққиёт босқичларида муқаддас ислом динининг, унинг илми ва фалсафасининг ўзига хос ўрни бор. Илк ўрта асрларда ёзилган тарихий асарлар ислом тарихини ўрганишда дастлабки манба сифатида хизмат қилади. Айти пайтда мазкур даврда юзага келган ижтимоий-сиёсий вазият илм-фаннинг барча соҳалари ривожига сабаб бўлди. IX-X асрларда Яқин шарқда ҳукм юритган Аббосийлар¹ давлатида ягона араб тили ва исломий ақида устуворлик қилар эди.

Аббосийларнинг умавийлардан² ажралиб турувчи жиҳати, улар илм-фаннинг хомийси эдилар. Араблар кириб борган мамлакатларнинг моддий ва маънавий бойликларини ўзлари билан олиб келишни одатга айлантди. Жумладан, Аббосий халифалардан Жаъфар ал-Мансур (754-775), Хорун ар-Рашид (786-809) ва ал-Маъмун (813-833) даврида қадимий кўлөзма китобларни ва йирик олимларни халифалик маркази Бағдодга келтиришга алоҳида эътибор қаратилди ва бу борада мислсиз жонбозлик кўрсатилди [5:93, 98].

Аббосий халифалар ичида энг донг таратган Хорун ар-Рашид тахтга ўтирганидан сўнг ижтимоий ва маданий ҳаётнинг барча жабҳаларида катта ўзгаришлар содир бўлди. Бу, албатта, йирик илм-фан маркази “Байт ал-ҳикма”га асос солиниши билан боғлиқ. Хорун ар-Рашид даврида бошқа юртлардан келтирилган китобларга сарой

¹Аббосийлар – араб халифалиги сулоласи (750–1258), Муҳаммад (с.а.в.) нинг амакилари Аббос ибн Абдулмутталиб (р.а.) авлодлари.

²Умавийлар – араб халифалиги сулоласи (661–750). Унга маккалик Қурайш қабиласидан бўлган Муовия ибн Абу Суфён асос солган.



кутубхонаси тор бўлиб қолди. Шунинг учун халифа китоблар сақланиши учун алоҳида жой ажратди ва уни “Байт ал-ҳикма” деб номлади.

Хорун ар-Рашид даврида “Байт ал-ҳикма” турли адабиётлар сақланадиган маскандан таржима тадқиқотлар олиб бориш марказига айланди. Бу ерга келган таниқли уламолар, тадқиқотчилар турли мавзулардаги китоблар билан танишиш, уларни мутолаа қилиш имкониятига эга бўлдилар. Бу даврда таржима ишларига алоҳида аҳамият берилиб, “Байт ал-ҳикма”даги асарлар сони янада кўпайди[2:32].

Илм-фанга ҳомийлик қилган аббосий халифалардан яна бири ал-Маъмун даврида “Байт ал-ҳикма”даги илмий муҳит мисли кўрилмаган даражада ривожланиб, у ерда юнон, форс ва ҳинд тилларидаги ноёб китобларни араб тилига ўгириш, шарҳлаш билан бир қаторда мустақил илмий фаолият ҳам олиб борилиб, янги асарлар ҳам ёзилди[9:7]. Ал-Маъмун диний илмлар, фалсафа, аниқ фанлар билан қизиққан ва ўзи ҳам улар билан мунтазам шуғулланган. Шунингдек, у таржимонлар ва олимларга ҳар бир ёзган ёки таржима қилган китоби учун махсус мукофотлар тайинлаган. Шу каби тадбирлар олимларни Бағдодга келишига ва илм-фан ривожига ҳисса қўшишига ундаган. Ал-Маъмуннинг ҳомийлиги остида Юнонистон, Ҳиндистон, Рум, Эрон ва Марвдан катта миқдордаги китоблар “Байт ал-ҳикма”га олиб келтирилган[2:33].

Айниқса, бу каби жонбозликлар ал-Маъмун халифалиги даврида (813-833)ўзининг энг юқори чўққисига кўтарилди. Бу даврда астрономия, тиббиёт, ҳандаса фанлари билан бир қаторда тафсир, ҳадис, калом, фикҳ, ислом тарихи каби илмларни ўрганиш борасида ижобий натижаларга эришилди.

Илк ўрта асрларда аксар ислом тарихига оид асарлар муҳаддислар томонидан ёзилган. Чунки, мазкур асарлар мавзуси асосан Муҳаммад (с.а.в) ҳаёти ва фаолиятини ёритишга қаратилган бўлиб, улар мағозий ва сийра номлари билан юритилган. Ислом тарихи мавзусида ёзилган асарлар услуби ва йўналишига кўра турли соҳаларни ўз ичига олади. IX асрнинг иккинчи ярмида табақот, тазкира ва ансоб (насаблар) каби йўналишларда китоб ёзиш ривожланган. Бироқ уларнинг аксарияти ўз даврига хос бўлиб, кейинги асрларда ўз аҳамиятини йўқотган. Фақат улардан айрим тарихий йўналишлар узок йиллар муаррихлар томонидан истифода этилган. Сийра йўналиши ҳам шундай йўналишлардан бири бўлиб, ушбу йўналишда бугунги кунга қадар ижод қилиб келинмоқда[3:125].

Сийра туркумидаги асарлар аввалда ҳадислар ривоятининг бир қисми бўлган бўлса, кейинчалик муҳаддислар орасидан фақат ҳадис билан чекланмай тарих илмига ҳам алоҳида эътибор берувчи олимларнинг етишиб чиқиши натижасида Муҳаммад алайҳис саломнинг пайғамбарлик фаолиятларига оид турли мавзуларни қамраб олган алоҳида соҳа ривожланди[4:114].

VIII аср ўрталарида сийра йўналишида тарихий асарлар ёзиш бошланди. Сийра (*السيرة*) сўзи луғатда бирор кишининг таржимаи ҳоли маъносини англатади. Истилоҳда набавий (*النّبوية*) сўзи билан қўшилиб, Муҳаммад (с.а.в) ҳаёт йўллари ҳақида маълумот берувчи ёзма манбаларни ифода этади. Доктор Муҳаммад Таноҳий (1935-1999) сийра сўзига қуйидагича таъриф беради: “Сийра саййидимиз Муҳаммад соллалоҳу алайҳи ва салламнинг насаблари, туғилишлари, улғайишлари, У кишининг пайғамбарлик



фаолиятлари, сифатлари ва вафотлари ҳақида ёзилган асар бўлиб, у билан бирга алмағозий сўзи ҳам ишлатилади”[11:48].

Сийра йўналишидаги асарларда Расулulloҳ (с.а.в) туғилишларидан аввалги даврда бўлиб ўтган тарихий воқеалар ҳам зикр қилинади. Муаллифлар ўша даврда Макка ва Мадинадаги сиёсий-ижтимоий ва диний вазият ҳақида сўз юритади. Масалан: Абдулмалик ибн Ҳишомнинг “Ас-сийра ан-набавия” номли асарида арабларнинг келиб чиқиши, Амр ибн Луҳай билан боғлиқ араблардаги бутпарастлик тарихи, Абраҳа ва Фил воқеаси, Замзам қудуғининг қазилиши каби воқеалар ёритилган[1].

Мазкур йўналишда дастлаб Муҳаммад ибн Исҳоқ, Маъмар ибн Рошид (ваф. 771), Нажиҳ ибн Абдурахмон ал-Маданий (ваф. 787) каби тарихчилар ижод қилди. Маъмар ибн Рошид ва Нажиҳ ибн Абдурахмон асарларининг қўлёзмалари ҳақида тадқиқот давомида маълумот топилмади. Уларнинг сийра илмида асар ёзганлиги тўғрисида Муҳаммад ибн ан-Надим (ваф. 990)нинг “Ал-фиҳрист”[10:136, 138] ва Шамсиддин Заҳабийнинг “Сияр аълам ан-Нубала”[12:471], [13:100] каби тазкира китобларида маълумот келтирилган. Ҳозирда мавжуд бўлган сийра йўналишидаги энг қадимий асарлардан бири Муҳаммад ибн Исҳоқнинг “Китаб ас-сийра вал-мубтада вал-мағозий” китобидир.

Ибн Исҳоқ асаридаги бўлимларни уч гуруҳга ажратиш мумкин. Улар қуйидагилар:

1. Мубтадо – Муҳаммад (с.а.в)га пайғамбарлик ваҳийси келгунигача бўлган давр;
2. Маъъас – Муҳаммад (с.а.в)га ваҳий келган вақтдан Мадинага ҳижрат қилингунигача бўлган ҳодисаларни ўз ичига олган давр;
3. Мағозий – Мадина ҳижратидан Расулulloҳ (с.а.в) вафот этган кунгача бўлган вақт.

Ибн Исҳоқ ўзидан олдин ёзилган мағозий мавзусидаги асарларни жамлади ва уларни таҳрир қилди. Шунинг учун китобда саҳиҳ ҳадислар билан бирга исроилиётдан нақл қилинган ривоятларни ҳам учратиш мумкин. Муҳаммад (с.а.в) даври тарихини ёзишда Ибн Исҳоқ мадиналик муҳаддислар ривоятларига мурожаат қилди. Исроилиётдан пайғамбарлар тарихига тегишли маълумотлардан ҳам фойдаланди. Асар ҳақида кўплаб манбаларда зикр қилинган бўлса-да, унинг мавжуд қўлёзма нусхалари бизгача тўлиқ шаклда етиб келмаган[6:9].

Ибн Исҳоқнинг “ас-Сийра” асари кейинчалик Абдулмалик ибн Ҳишом (ваф. 833) томонидан қайта кўриб чиқилди ва қўшимча маълумотлар билан тўлдирилди. Ибн Ҳишом манбаларда тарих, ахбор, ансоб, шеър, грамматика ва луғат олими сифатида шуҳрат топган бўлса ҳам, унинг устозлари, асарлари ҳақида маълумотлар етарли эмас. Ибн Исҳоқнинг “Китаб ас-сийра вал-мубтада вал-мағозий” асарини қайтадан тартибга келтирган Ибн Ҳишом мана шу асар билан шуҳрат қозонди. Тарихчи асар ёзиш жараёнида Ибн Исҳоқдан ривоят қилган энг ишончли ровийлардан Зиёд ибн Абдуллоҳ ал-Баккой (ваф. 799)нинг куфий-бағдодий деб машҳур бўлган нусхасини асос қилиб олган ва ўрни келганда унга қўшимчалар ҳам киритган. Асар вақт ўтиши билан “Сийрат ибн Ҳишом” ёки “Таҳзибу ибн Ҳишом” деб аталган. Шамсиддин ибн Холликон (1211-1282) Шамсиддин Заҳабий (1274-1348), Исмоил ибн Касир (1301-1373), Шамсиддин ас-Саховий (1427-1497), Муҳаммад ибн ал-Имод (1623-1679) каби тарихчилар мазкур асарни Расулulloҳ (с.а.в) ҳаётига доир энг ишончли ва энг яхши



сийра асари сифатида эътироф этганлар. Асар бугунги кунгача етиб келган ва Қоҳира (1978), Байрут (1987), Тонто (1995) шаҳарларида нашр этилган[6:10].

Ибн Ҳишомнинг “Ас-сийра ан-Набавия” асарига тўртта мустақил шарҳ ёзилган бўлиб, улардан учтаси нашр этилган. Асарнинг энг кенг қамровли шарҳи андалусиялик муҳаддис Абдураҳмон ибн Абдуллоҳ ас-Суҳайлийнинг (ваф. 1185) “Ар-равд ал-унуф фи шарҳи ас-Сийра ан-набавийя ли-Ибн Ҳишом” номли китобидир. У 1967-1970 йиллар давомида Қоҳирада нашр этилган[7:464].

Сийра йўналишида ёзилган муҳим асарлардан бири Абу Исҳоқ ал-Физорий (803)нинг “Китаб ас-сияр” асари ҳисобланади. Асарга Имом аш-Шофиъий (767-820) ижобий баҳо бериб: “Сийра йўналишида ҳеч ким Абу Исҳоқ ал-Физорий каби китоб ёзмади” дея таъриф берган. Асар ҳақида ибн ан-Надимнинг “ал-Фихрист”, Ибн Қутайба ад-Динаварий (828-889)нинг “ал-Маориф”, Ал-Масъудийнинг “Муруж аз-Заҳаб” Шамсиддин аз-Заҳабийнинг “Сияр аълам ан-нубала”, ва бошқа манбаларда нақл қилинган[8:61-62].

VIII-IX асрларда асос солинган сийранавислик йўналишида асар ёзиш кейинги даврларда ҳам давом этди. Аҳмад ибн Муҳаммад Мискавайҳ (ваф. 1030)нинг “Китаб ас-сияр”, Али ибн Аҳмад ибн Саъиднинг (ваф. 1064) “Жавамиъ ас-сияр”, Ибн Саййид ан-Наснинг “Уюн ал-асар фи фунуни ал-мағозий ваш-шамаил вас-сияр”, Исмоил ибн Касирнинг “Ас-сийра ан-набавия”, Ибн ад-Дайбаъ аш-Шайбонийнинг (ваф. 1518) “Ҳадаиқ ал-анвар ва матолиъ ал-асрор фи сийратин-набий ал-мухтор”, Муҳаммад ибн Юсуф аш-Шомийнинг (ваф. 1535) “Субул ал-худа вар-рошад фи сийрати хойрил-иъбад”, Нуриддин Али ибн Иброҳим ал-Ҳалабийнинг (ваф. 1634) “Инсан ал-уюн фи сийрати ал-Амин ал-Маъмун” каби асарлари сийранавислик соҳасида таълиф қилинган ноёб манбалар сифатида эътироф этилади[11:48].

Ўзбек тилида ҳам сийра йўналишида ёзилган замонавий нашрларни учратиш мумкин. Жумладан, Муҳаммад Хузарийнинг “Нурул яқин”, Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфнинг «Ҳадис ва Ҳаёт» (Нубувват ва рисолат 19-жуз), Закои Қўнрапаннинг “Пайғамбаримиз ва ашараи мубашшара”, Саййид Маҳмуд Тарозийнинг “Нурул басар”, Алихонтўра Соғунийнинг “Тарихи Муҳаммадий” Аҳмад Лутфий Қозончининг “Саодат асри қиссалари”, Доктор Рамазон Бутийнинг “Фикҳ ас-сийрат ан-набавия” каби китоблари аллақачон омма қўлига етиб борган[4:114].

Мағозий ва сийра йўналишлари номланиши жиҳатидан фарқ қилса-да, улардаги тарихий услуб ўхшаш бўлган. Мағозий асарлари ғазот ва сариялар тарихини ёритиш билан бирга, сийра китобларидаги каби пайғамбарлар тарихи, Муҳаммад (с.а.в) туғилишидан олдинги ижтимоий-сиёсий жараёнлар, Набий (а.с)нинг болалиги, Макка ва Мадинадаги фаолияти каби мавзуларни ҳам ўз ичига олган.

References:

1. Абдулмалик ибн Ҳишом. «Ас-сийра ан-набавийя» 1 китоб // таржимонлар: Абулҳаким Орипов, Акмалжон Икромжонов, Абдулҳамид Зайриев, Жаҳонгир Неъматов, Абдулвоҳид Аҳмадалиев. – Тошкент: «Nilol» нашриёт-матбааси, 2020.



2. Баҳром Абдуҳалимов. “Байт ал-ҳикма” ва Ўрта Осиё олимларининг Бағдоддаги илмий фаолияти (кейинги ўринларда “Байт ал-ҳикма”). – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2004.
3. З. Исломов, Д. Махсудов, Ж. Тоҳиров. Ислом манбашунослиги: дарслик. – Т.: “Qaenus Media” нашриёти, 2019.
4. Н. Насруллаев. Манбашунослик. Дарслик. - Тошкент: Наврўз, 2020.
5. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Ислом тарихи, иккинчи китоб. – Тошкент: Ҳилол нашр, 2017.
6. Қ.Зоҳидов. Ислом тарихи фанидан ўқув қўлланма. – Т.: Тошкент ислом университети, 2013.
7. Абдурахмон ибн Абдуллоҳ ас-Сухайлий. “Ар-равд ал-унуф фи шарҳи ас-Сийра ан-набавийя ли-Ибн Ҳишом”. – Қоҳира: Дар ал-кутуб ал-исламийя, 1967.
8. Абу Исҳоқ ал-Физорий. Китаб ас-сияр / муҳаққиқ: доктор Форуқ Ҳаммода. – Ар-Работ: Муассаса ар-рисала, 1987.
9. Ибн ал-Кифтий. Ахбар ал-Улама би ахбар ал-хукама. – Байрут: Дар ал-кутуб ал-илмийя, 2005.
10. Ибн ан-Надим. Ал-Фихрист. – Байрут: Дар ал-маърифат, 1997.
11. Маҳмуд Муҳаммад Таноҳий. Ал-Мувжаз фи марожит-тарожим вал-булдан вал-мусаннафат ва таърифот ал-улум. – Қоҳира: Мактаба ал-Хонажи, 1985.
12. Шамсуддин Заҳабий. Сияр аълам ан-Нубала. VI жуз. – Қоҳира: Дар ал-ҳадис, 2006.
13. Шамсуддин Заҳабий. Сияр аълам ан-Нубала. VII жуз. – Қоҳира: Дар ал-ҳадис, 2006.